

Юридик мақомга эга бюджет истеъмолчилари учун электр таъминоти

ШАРТНОМАСИ

26.01.2022 йил

340020-сон

Бувайда тумани

Бувайда тумани электр таъминоти корхонаси низом асосида фаолият юритувчи Бувайда туман электр таъминоти корхонаси раҳбари Исақов Хамдамжон Абдужабборович кейинги ўринларда «Корхона» деб аталади) бир томондан ҳамда НИЗОМ асосида фаолият юритувчи Бувайда туман ирригация бўлими раҳбари Ё.Назаров (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади), иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|--|--|
| 3 | 4 | 0 | 0 | 2 | 0 | | |
|---|---|---|---|---|---|--|--|

ҳисоб рақами-

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу Шартномага мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда — энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми: 3 499 650 сўм
актив 7777 кВт.с.ни ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи 450 сўми, тариф бўйича 1 ставкали (тариф тури: *табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 й.даги ПҚ-3379-сонли қарорда тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тасдиқланган тариф (кераклиси ёзилсин)*) ни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали тариф ёки 08.11.2017 й.даги ПҚ-3379-сонли қарорда тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тасдиқланган тариф бўйича амалга оширилади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича Истеъмолчи ҳамда Корхона ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар учун ҳисоб-китоб қилиш даври бир ой саналади.

3.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг, Худудий электр корханасининг (кейинги ўринларда «Корхона» деб аталади) воқолатли шахси билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ёзиб олади ва мазкур шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи тўғрисида ҳисобот тузади.

Истеъмол қилинган энергиянинг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб, Истеъмолчи томонидан ҳар ойнинг 25-санасидан 30-санагача бўлган муддатда худудий электр тармоқлари корхонасига ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали белгиланган шаклда тақдим этилган энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот саналади.

3.4. Тарифлар ўзгарганда, Истеъмолчи етказиб берилётган энергия учун тўловни янги тариф бўйича, улар кучга кирган кундан бошлаб амалга оширади.

3.5. Истеъмолчига энергия етказиб бериш, у томонидан келгуси ҳисоб-китоб даври бошлангунга қадар шартномавий миқдор қийматининг 100 фонзини (100%) олдиндан тўлагандан сўнг амалга оширилади.

3.6. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда ҳисоб-фактура ва тўлов учун ҳисоб-варағини беш кун мобайнида ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.7. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу Шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

3.8. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолчининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Корхона вакиллари ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин Корхона белгиланган тартибда амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилади.

3.9. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифига устамалар, шунингдек, ҳисобга олинмаган энергияни қайта ҳисоб-китоб қилиш ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қошлашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи етказиб берилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўламаса, корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун итўлов суммасининг 0,1 фонзи (Энергия махсус тартибда етказиб берилувчи истеъмолчилар 0,2 фонз) миқдорида, лекин муддаги ўтказиб юборилган сумманинг 50 фонзидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Истеъмолчининг айби билан энергия Шартномада кўрсатилган ҳажмда тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.10. Истеъмолчи Корхона билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.11. Истеъмолчининг тармоқдан узиб қўйиш куйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

ҳисобга олиш приборлари қасддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қиладиган хатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.12. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

3.13. Истеъмолчи тармоққа унинг томонидан қоидабузарлик ҳолати бартираф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдориди тўлов ундирилгандан сўнг қайта уланади (ЭНҲАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш; электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномаларини тузиш ва бажаришда юзага келадиган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қиладиган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Корхона ва электр энергетика соҳасидаги давлат назорати органининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Корхона вакилларининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори қувватга уланган Истеъмолчи:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

6

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини ҳисобга олиши ва Корхона талабига кўра хабар қилиши шарт.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан белгиланган тартибда етказилган ҳақиқий зарарни қоплатиш;

авария режимида Бюрони хабардор қилган ҳолда истеъмолчини электр тармоқларидан узиш;

Кўрсатмаларга асосан ҳамда ЭНҲАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Корхона мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатларда истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасида Шартномада кўрсатилган ҳажмда узлуксиз етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линиялари, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжалиги объектларидаги носозликларни бартираф қилиш;

электр ҳўжалиги объектларини режали таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги содир бўлиши мумкин бўлган узилишлар тўғрисида уч суткадан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчининг электр энергиясини етказиб беришдаги узилишлар ва уларнинг сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

Истеъмолчининг электр энергиясини тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа қоида бузарликлар тўғрисидаги аризаларини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай кўриб чиқиш, уларни бартираф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига етказиб берилган энергия ҳисобини ўрнатилган тартибда юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда — истеъмолчига бу ҳақида рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Истеъмолчи: Бувайда туман ирригация бўлими

Почта манзили: Бувайда тумани Янгиқўрғон қишлоғи Богизрам кўчаси 25-уй
Ҳисоб рақами: 23402000300100001010
Шхв: 100022860302127042402170001
Банк коди (МФО): 00014 (ИНН): 305081008
Истеъмолчининг юридик манзили бўйича кадастр рақами: 15:03:01:01:01:1211
Маҳалланинг номланиши Янгиқўрғон қишлоғи Богизрам кўчаси
Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:
Бюджет фондининг ҳисоб рақами: 23402000300100001010
Банк коди (МФО): 00014 (ИНН): 305081008
Бюджет фондининг ҳисоб рақами: 100022860302127042402170001
Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____
Телефонлар 99873-529-21-73 Факс: _____
(Истеъмолчи, шу жумладан унинг раҳбарини уяли телефони кўрсатилади)

Статистик кодлар:
ОКЭД: 01613
СООГУ _____
СОАТО _____
КФС _____
КОПФ _____

ОКПО: 27343716
Корхона: Бувайда туман электр тармоқлари корхонаси
Почта манзили: Бувайда туман, Янгиқўрғон қишлоғи, Боғи Эрам кўчаси 69-уй
Ҳисоб рақами: 22636000300215289454
Банк коди (МФО) 00494 (ИНН) 200 144 930
Телефонлар: 244-28-03 Факс: 244-38-21

Статистик кодлар:
СООГУ 101
СОАТО 730013

Корхона вақили:
Бувайда ТЭТК
Раҳбар: _____ Х.Исмаилов
М.У. вақзо, лавозими, Ф.И.О

Истеъмолчи:
Бувайда туман ирригация бўлими
Раҳбар: _____ Е.Назаров
М.У., и _____, Ф.И.О

Юрис: _____
Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси _____ ик юридич субъектлар
фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида ” ги қонуни Ўзбекистон Республикаси
Фуқоралик кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб шартнома
лоийҳасининг қонунчилик ҳужжатларига мос келишини аниқлади.

Шу сабабли ушбу шартномани имзоласа бўлади.
_____ А.А.Дехқонов

Истеъмолчининг ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва
уларга техник хизмат кўрсатишни, шунингдек, Бюро билан бирга plombалашни таъминлаш;
сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб
бериш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки тегишли
тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга,
Истеъмолчи эса етказилган реал зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона:

истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимга риоя қилмай,
электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл
қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси
истеъмолини чеклаш жадвали бажармаганда, паст сифатли электр энергияси етказиб
берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда
тез-тез ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун
истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона - Электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари
юзга келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва
низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш
орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибидан ҳал қилинади.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31-декабргача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгартиришлар жорий ойга тадбиқ этилмасдан, келгуси ойдан
кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки
бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган
ҳисобланади. Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин
тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида
сақланадиган икки нусхада тузилди. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми
ҳисобланади.

6.3. Шартнома томонлардан бирининг ташаббуси билан муддатидан олдин иккинчи
томонни бекор қилиш муддатидан 30 кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро
ҳисоб-киноб қилиши шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида
хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб,
томонларнинг вақолатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

**Етказиб бериладиган энергия
ҲАЖМИ**

1. Тариф гуруҳи : 5
2. Фаолият тури : Бувайда туман ирригация бўлими
3. Истеъмолчи электр қурилмаларининг уланган куввати: _____ кВА (кВт)
4. Электр таъминотининг ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) _____
5. Ҳисоб-китоб тури: _____

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 й.даги ПҚ-3379-сонли қарорда тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тасдиқланган тариф (кераклиси ёзилсин)

| | | Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича | | | |
|-----------|------|-------------------------------------|--|--|--|
| | | Энергия ҳажми минг кВт.с | | | |
| И.л. жами | 7777 | 3499650 | | | |
| Январь | 3333 | 1499850 | | | |
| Февраль | 3333 | 1499850 | | | |
| Март | 1111 | 499950 | | | |
| Апрель | | | | | |
| Май | | | | | |
| Июнь | | | | | |
| Июль | | | | | |
| Август | | | | | |
| Сентябрь | | | | | |
| Октябрь | | | | | |
| Ноябрь | | | | | |
| Декабрь | | | | | |

Корхона бир кунда 8 соат, бир ойда 24 кун ишлайди.
Сменалар бўйича юклама нисбати % да, I _____, II _____, III _____ ни ташкил қилади.

Корхона вакили:
Бувайда ТЭТК

Раҳбар: Х.Искаков
М.Ў., имзо, лавозими, Ф.И.О

Истеъмолчи:
Бувайда туман ирригация бўлими

Раҳбар: Ё.Назаров
М.Ў., и _____, Ф.И.О



**Энергияни ҳисобга олиш приборлари
ЎРНАТИЛГАН ЖОЙЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФЛАРИ**

| Истеъмолчининг (субистеъмолчининг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган | Ҳисобга олиш прибори тури (актив, реактив), (номиял ток) | Ҳисобга олиш прибори рақами | Ҳисобга олиш прибори клемма қопқоғидаги пломбанинг | | Улчов трансформаторларининг трансформация коэффициентлари | | Ҳисоб - китоб коэффициенти | Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлари | Тариф тури сумма/ 1 кВт.с. |
|--|--|-----------------------------|--|----------|---|-----------|----------------------------|--|----------------------------|
| | | | Корхонанинг | Бюронинг | Ток | Кучла ниш | | | |
| Шит | DTS541 | 904701 | | | | | | | |

Имзолар:

Корхона вакили:
Бувайда ТЭТК

Раҳбар: Х.Искаков
М.Ў.



Истеъмолчи:
Бувайда туман ирригация бўлими

Раҳбар: Ё.Назаров
М.Ў.



Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш буйича масъуллик чегараси ДАЛОЛАТНОМАСИ

1. Истеъмолчининг балансда қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) ҳаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари _____

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасида электр тармоқларнинг баланс буйича мансублик чегараси: _____ / _____ / _____ КВли _____ н-си 10 кВли _____

_____ ХУЛ узатмаси _____

3. Улардан қуйидагиларга:

а) _____

_____ хизматлар Истеъмолчи ходимлари томонидан;

б) _____

Истеъмолчи билан тузилган Шартнома асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан кўрсатилади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш буйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: _____ / _____ / _____ КВли _____ н-си

10 кВли _____ ХУЛ узатмаси _____

Вакиллар:

Истеъмолчи

Корхона



Ё.Назаров
(Ф.И.О.)

Х.Исаков
(Ф.И.О.)

Энергияни йўқотилишларини аниқлаш ДАЛОЛАТНОМАСИ

Энергияни ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс буйича мансублиги чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс буйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган энергия йўқотишлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) Қуввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергияни йўқотиш _____ кВт.соат ёки _____ фоизни, реактив энергияни йўқотиш _____ кВАр.соат ёки _____ фоизни ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш: Узунлиги _____ м;

Кесими _____ мм²;

Русуми _____ ;

Кучланиши _____ кВ,булса, _____ кВт.соатни ёки _____ фоизни ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари: Узунлиги _____ м;

Кесими _____ мм²;

Русуми _____ ;

Кучланиши _____ кВ,булса, _____ кВт.соатни, ёки _____ фоизни ташкил этади;

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг _____ фоизини ташкил этади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилади.

Имзолар:

Корхона вакили:
Бувайда ТЭТК

Раҳбар:
М.Ў.



Истеъмолчи:
Бувайда туман ирригация бўлими

Раҳбар: Ё.Назаров
М.Ў.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

1. Loyihaning turi va soni

Shartnoma № 340020-son

2. Loyihaning nomi

Elektr ta'minoti shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Buvayda tuman irrigatsiya bo'limi tomonidan 26.01.2022

Buvayda tumani elektr ta'minoti korxonasi nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi Buvayda tuman elektr ta'minoti korxonasi rahbari Isaqov Xamdajon Abdujabborovich keyingi o'rinlarda «Korxon» deb ataladi) bir tomondan hamda nizom asosida faoliyat yurituvchi Buvayda tuman irrigatsiya bo'limi rahbari Y.Nazarov (keyingi o'rinlarda «Iste'molchi» deb ataladi), ikkinchi tomondan, Elektr energiyasi yetkazib berish bo'yicha 1 kVt.s. elektr energiyasi 450 so'mdan, **jami 7777 kVt.s. elektr energiyasi uchun umumiy qiymati 3 499 650 so'mlik 340020-sonli Elektr ta'minoti shartnomasini tuzmoqdalar.**

Ushbu shartnoma loyihasi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonun va O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022-yil 26-yanvar

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi

bosh yuriskonsulti



S.Axmadaliyev